

Абдулла ибн Искандархон ибн Жонибек султон ибн Хожа Мухаммад ибн Абулхайрхон (1534-Миёнкол, Офарикент кишлоги - 1598-йили 8-феврал Самарканд, Бухоро якинида Бахоуддин мажмуасига дафн этилган) (1583-1598)

Ўзбек давлатчилиги тизимидаги Бухоро хонлигининг шайбонийлар сулоласидан энг йирик хукмдор (1583-1598), давлат арбоби, саркарда, илм-фан, маърифат, маданият хомийси. Тошкент ҳокими Барокхон (Наврӯз Ахмадхон) билан Косон ёнида (1548), Мўнгилистон хони Абдурашидхон ва шайбонийлардан Дўстум султонлар кўшинига қарши Фороб ёнида (1554) жанг қилган. Ёш Абдулла султон ўзининг хукмдор сифатидаги бутун гайрат шижоатини 1551-йил Карманада намойиш этган; вилоятга Тошкентдан Барокхон ва Самарканддан Абдуллатифхон хужум қилганлар, Искандар султон Амударё ортига қочган. Абдулла султон отаси вазифасини ўз зиммасига олиб бу хужумни муваффоқиятли қайтарган. Кейинги йилларда (1552-56-й.) ўз мулкини Гарбга – Бухоро томонга ва жануби-шарқ – Қарши ва Шахрисабз томонга кенгайтиришга интилан. Бу сай-ҳаракат дастлаб муваффақиётсиз чиққан, ҳатто 1556-йилда у ота мерос мулкини ташлаб Майманага қочишга мажбур бўлган. У амакиси, Балх ҳокими Пирмуҳаммаддан ҳарбий ёрдам олиб ва пири Хожа Мухаммад Исом кўмакида Барокхон, кейинчалик унинг ўғиллари Дарвешхон ва Бобо Султонларга қарши узок муддат кураш олиб борган. Наврӯз Ахмадхон (Барокхон) вафот этган (1556-й.), дархол Кармана ва Шахрисабзда ўз хукмронлигини тиклайди, 1557-йили майда Бухорони қўлга киритади ва уни ўз пойтахтига айлантиради. 1561-йилда отаси - Искандархонни давлат бошлиги - хон деб эълон қилиб, унинг номидан мамлакатни ўзи бошқара бошлайди. Марказий ҳокимиятга бўйсунитдан бош тортган шайбоний султонлар билан курашиб, Балх (1574-й.), Самарканд (1578), Тошкент, Сайрам, Туркистон (1583) ва Фарғона (1583-й) ни эгаллайди. 1582-йилда Даштга юриш қилиб, Улугтоғга қадар борган. 1583-йилда отаси Искандархон вафот этган мамлакатни ўз номидан бошқара бошлайди. Марказий ҳокимиятга қарши кўтарилган Маймана ва Гарчистон (1583-й.), шунингдек, Бадахшон (1585)даги ғалаён, тартибсизликларни бостирган. Хоразмга икки марта юриш (1594 ва 1596) қилиб, у ерда марказий ҳокимият хукмронлиги қайта тикланган. Абдуллахон II сафавийлар билан Хуросон, Гилон учун курашиб ўз тасарруфига киритган. Шарқий Туркистонга қилинган юришда Қашқар ва Ёркент вилоятларини олган. Бобурийлар ҳам Бадахшон, Шимолий Афғонистон ва Хуросон учун Абдуллахон IIга қарши курашганлар. Абдуллахон II бунга қарши Синд (1583), Қашмир(1586) ни эгаллаб давлатнинг жанубий чегараларини мустаҳкамлаган. Абдуллахон II даврида мамлакат ҳудуди Қашқардан Орол ва Каспий денгизлари сохилларигача, Туркистон ва Сайрамдан Хуросоннинг шарқий қисмигача бўлган ерлардан иборат эди. Абдуллахон II ҳаётининг сўнги йилларида ўғли Абдулмўмин билан чиқишмай қолган. Улар ўртасидаги муносабатлар кескинлашганидан хабар топган қозоқ хони Тавакқалхон Тошкент вилояти ва Тошкент – Самарканд оралигидаги ерларга бостириб кириб, унга қарши юборилган кўшинни енган. Унга қарши сафарга отланган Абдуллахон II Самаркандга етганида ўғли Абдулмўмин 1598-йил 8-февралда амир Мухаммад Боқибий билан қелишиб отаси Абдуллахон II ни заҳарлаб ўлдиради.

Абдуллахон II фаол ташки сийосат олиб борган. Унинг мамлакат ички сийосатидаги, давлат бошқарув тизимини мустахкамлаш, айниқса пул ислохоти ўтказиш йўлидаги фаолияти натижалари кейинги даврларда ҳам сақланиб қолган. У қўллаб турли иншоотлар қурдирган.

Унинг даврида мамлакатда шаҳарсозлик, адабиёт, илм-фан тараққий этган. Бухоро маданият, илм-фан марказига айланган. Хофиз Таниш Бухорийнинг „Абдуллонома“ („Шарафномаи шохий“) (1584-89), Амин Аҳмад Розийнинг „Хафт иқлим“ (1583), Мутрибийнинг дунё харитаси илова қилинган „Тасқирати шуаро“ (тахминан 1593-95) ва бошқа илмий асарлар яратилган. Бухорода машҳур Абдуллахон мадрасаси ташкил қилинган. Ҳасанхўжа Нисорийнинг „Музаққир аҳбоб“ асари Абдуллахон II га бағишланган.

Абдуллахон II нинг ўзи ҳам истедодли шоир бўлиб, „Хон“ тахаллуси билан ўзбек ва форс тилларида шеърлар ёзган.